

“ЗУМРАДОЙЛАР ДАВРАСИ” КЕНГАЙМОҚДА



Тоҳир САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси-
да хизмат кўрсатган артист:

БАХТ МАНЗИЛИ ОИЛАДА!

4



“КЕЛИН САЛОМ” — СОВФА ТАРҚАТИШ ЭМАС-КУ!

8



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Юракда меҳр, қўлларда сеҳр бор

УШБУ СОНДА:

Чирчиқлик ўқувчи — халқаро танлов ғолиби	2
Араз бошқа, ораз бошқами?	4
Ёғоч идишлар шифобахш қувватга эга	5
Соч тўкилишининг сабаби	6
Адвокат ҳимоядан воз кечса?!	8

ҲИКМАТ

Ўзгаларга озор бе-ришдан сақланиш яхшилик аломатла-ридандир.

Али ибн Абу Толиб

“ЗУМРАДОЙЛАР ДАВРАСИ” КЕНГАЙМОҚДА

Кизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини эрта бошлаш, улар ўрта-сида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларга меҳнатсеварлик, рост-ғўйлик, камтарлик, хушмуомалалик, озодаллик ва самимийлик каби фазилатларни сингдириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида юрти-миздаги мактабгача таълим муассасаларида “Зумрадойлар давраси” тўғраги ташкил қилинган.

Чилонзор туман ХТМФМТ-ТЭБ тасарруфидagi 262-мактабгача таълим муассасасида “Зумрадойлар даврасида” тўғраги фаолиятига оид республика семинари бўлиб ўтди.

Бугунги кунда юртимиздаги жами 4950 мактабгача таълим муассасаларида 581 мингдан зиёд кичкинтойлар тарбияланади. Унда болаларнинг маънавий ва жисмоний камол топиши, ижтимоий-эмоционал ривожланиши, гигиена, ўқиш ва ёзишни ўрга-

ниш ва албатта, жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Муассасамизда 214 нафар кичкинтой бўлиб, уларнинг 111 нафари



ни қиз болалар ташкил этади, — дейди 262-мактабгача таълим муассасаси мудири **Александра Хухрина**. — “Зумрадойлар давраси” тўғраги фаолиятининг йўлга қўйилгани кизларнинг онгу шуурида одоб-ахлоқ қоидалари, ўз саломатлиги учун

Жараён

масъулиятни ҳис этиш, катталарга ҳурмат каби тушунчаларни мустаҳкам қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳафтада икки марта кизалоқларга “Саломлашиш одоби”, “Дастурхон одоби”, “Қиз болаларга хос фазилат”, “Тозалик бу — саломатлик” каби қатор мавзуларда сахна кўринишлари асосида машгулотлар олиб борилади. Боғчамизда шашка, бадий гимнастика, чет тили, ёш расом тўғраклари ишлаб турибди. Гўзал Нурматова, Зумрад Содикова, Дилфуза Насруллоева, Комила Мақсудова каби малакали педагог-тарбиячиларимизнинг машгулотлари кичкинтойларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Семинарда “Зумрадойлар давраси” тўғрагининг машгулотлари йўналиши ва мавзулари, бу борадаги ижобий иш тажрибаси ва уларнинг самарали натижалари ҳақида атроф-оқибат маълумот берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-кизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Бахт оstonаси

УМР САБОҚЛАРИ

Хузуримизга зарур ҳужжат юзасидан иш билан келган отахон умр йўлдоши билан уч қизни вояга етказишгани ҳақида сўзлаб, “Улар ҳозир уйли-жойли эканидан кўнглим тўқ”, деб қолди.

Унинг айтишича, турмуш ўртоғи учинчи фарзандини анча қийналиб туққанида шифокорлар яна ҳомилдор бўлиш соғлиғига зарар эканини тушунтиришган. Шунда аёли “Ўғил кўрмасак бўлмайди”, деган экан.

— Оллоҳ уч нафар фарзанд берганига шукр қилдим ва Манзурага шифокорларнинг гапига қулоқ солишни, ҳаммасидан ҳам унинг соғлиғи кераклигини тушунтирдим, — дейди отахон. — Ҳозир кизларимиз оиласи билан бахтли яшашяпти.

Тўнғич кизимнинг ўғли Сардорни уларнинг розилиги билан фарзандликка олдик. Хуллас, ҳозир келиним ва чеваралар ардоғида нақадар саодатли эканимизни сўз билан ифодалаш қийин. Кизларим ҳам ҳар доим биздан хабар олиб туришади. Шукрчи, ҳеч нарсадан кам-кўстимиз йўқ. Ўғил туғмади, дея аёли билан ажрашиб, ўзини ҳам, фарзандларини ҳам чигал муаммоларга қўядиган ёки сизларнинг олдингизга шундай масалаларда келувчанга бўлса, менинг тинч-тотув ва тўқис ҳаётимни мисол қилиб айтмасизлар, дейман-да. Уша пайтларда менга бўлар-бўлмас маслаҳат берганлар ҳам бўлган, лекин ўз ширин ва тотув оиламни севиб-ардоқлаганим, кадрлаганим туфайли тақдир бизни сийлади. “Менинг оилавий ҳаётимда ҳеч қандай муаммо йўқ, Яратган ато қилган фарзандларимни биргаликда меҳр-оқибатли, билмли қилиб тарбиялай олсак, улар ҳаётда ўз ўрнини топишса, кифоя”, дегандим ўшанда “маслаҳаттўй”-ларга.

Иш фаолиятимиз юзасидан ҳар куни одамлар билан мулоқотда бўламан, бахтиёр жуфтликлар, фарзанд қувончлари, ҳаёт синовларида турган оилалар ёки турмуш йўлларида адашганини кеч англаганлар... хуллас, турфа тақдирлар. Жойларда аҳолининг турли қатламлари билан бўлган учрашувлар, ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ҳам қатнашувчиларга турли саволлар юзасидан зарур маслаҳатлар беримиз. Юқоридаги каби мисолларда эса ҳаёт — ибрат мактаби, одамлар ва уларнинг турмуш тажрибалари бир-бирига умр йўлларида сабоқ бўла олишини англаймиз. Ибратли умр кечираётганлар ҳақида ҳам, айниқса, ёш оила соҳибларига сўзлаб бериш эса ижобий аҳамиятга эга, албатта.

Минаввара САЙДАЛОВА,
Куйичирчик туман ФХДЭ бўлими мудири.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Истеъдод

Жорий йилда Чехия Республикасининг Прага шаҳрида ўтказилган “Праганинг мўъжизавий юлдузлари” деб номланган VI аъъанавий халқаро танловда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида яшовчи **Асадбек Мадиев** ўзи тайёрлаган ёғоч ўймакорлиги буюмлари билан иштирок этиб, бош совринни кўлга киритди.

— Жаҳоннинг ўттиздан зиёд мамлакатидан келган ёш ижодкорлар иштирок этган мазкур танловда бизнинг мактабимиздан 11 нафар ўқувчи турли йўналишлар бўйича қатнашди, — дейди **Асадбек**. — Мен лавҳ, қутича, сандиқча, қаламдон ва лаган каби буюмлар тайёрлаб боргандим. Ҳайъат аъъзолари ишларимни кузатиб, 1-ўринга лойиқ топишди. Тақдирлаш маросими тугагач, фестивалда қатнашган бошқа иштирокчиларнинг ишлари билан ҳам танишгач, шунга амин бўлдимки, бизнинг ўймакорлик санъатимиз кўл меҳнати орқали, майда нақшлар асосида ишланиши билан алоҳида ажралиб турар экан. Бошқа давлат вакилларининг ёғочга гул ўйиш усуллари биров йирикроқ, айримлари эса безаклари тайёр ҳолда ёпиштирилган ёки бирор ускуна орқали ишланган эди. Ҳайъат аъъзолари ва фестиваль иштирокчилари бизнинг махсулотларимиздаги гулларнинг латифлиги, майда ва нозиклигига, уларни қандай тайёрлаш жараёнига қизиқиб қолишди. Мен устозларимдан олган сабоқларим асосида миллий ёғоч ўймакорлигимиз аъъаналарини уларга батафсил тушунтириб, намуналар кўрсатиб бердим.

Бўш пайтимизда шаҳарни томоша қилдик. Прага жуда чиройли шаҳар, кўчалари кенг, озода, халқи меҳмондўст экан. Кутубхонага бордик. Айтишларича, Прагада мак-

таблар пуллик бўлиб, ўқувчи қолдирган дарси учун ҳам белгиланган тўловни тўлашга мажбур экан. Бизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилганини, сабоқларимиз мутлақо бепул эканини айтганимизда уларнинг кўпчилиги бизга ҳавас қилаётганини билдиришди.

— Асадбек 7-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг тасвирий санъат тўғрагига икки йилдан бери қатнашади, — дейди унинг онаси **Зулайхо Ҳуробоева**. — Мусиқа тўғрагига най чалишни ўрганди. Мактабда устози Абдуқаҳҳор Ашуровдан ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини ўрганди. Халқаро хотин-кизлар куни арафасида у менга жуда чиройли, бежирим ва нақшинроқ қутича совға қилди. Маълум бўлишича, устози уларнинг бу совға бўлган қизиқишини билиш мақсадида “Ўз қўлингиз билан онангизга совға тайёрласангиз, хурсанд бўлади”, деб маслаҳат берган экан. Ўғлимнинг мен учун ясаган қутичаси кўзимга оловдек кўринди.

Абдуқаҳҳор Ашуров, “Ёғоч ўймакорлиги” тўғраги раҳбари:

— Асадбекдан умидим катта, нега десангиз, у сира эринмайди, ўз устуда тинимсиз ишлайди. Ўймакорлик, нафақат жисмоний, балки, ақлий ва руҳий меҳнатни ҳам талаб қиладиган машаққатли машгулот. Хунарманд сабр-тоқатли бўлсагина бетақдор санъат асарларини яратиши мумкин.

Асадбекнинг орзулари бир дунё. У ҳозирги кунда республика рассомчилиқ коллежининг “Амалий графика” бўлимига ўқишга кирди. Демак, жиддий синовлар ҳали олдинда.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ТАРҒИБОТЛАР САМАРАСИ

Фаолият

Ҳар куни бўлимимизга келган фуқароларга зарур ҳуқуқий тушунтиришлар бериш билан бирга, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ҳам тарғибот тадбирлари, учрашувлар доимий ўтказилади. Айни паллада ўқувчиларнинг ёзги таътил вақти бўлгани боис бундай тадбирлар асосан маҳаллаларда белгиланган режага мувофиқ олиб борилмоқда. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, эрта никоҳнинг олдини олиш, шаръий никоҳдан ўтиш билан кифояланиб, никоҳни расмийлаштирмасдан оила қуришнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш борасидаги ишларимиз амалий натижалар бераётгани эътиборга молик.

Қонуний тартибда никоҳдан ўтмасдан қурилган оилани ҳақиқий оила дейлиши учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда маҳаллалар ҳам амалий ёрдам беришади. Аксарият ота-оналар яхши билгани-

дек, дунёга келган чақалоқнинг туғилганлиқ ҳақидаги гувоҳномасини қайд этиш учун ота-онанинг паспорти, никоҳ ҳақидаги гувоҳномаси ҳамда чақалоқ туғилганлиги ҳақидаги туғуруқхона тасдиқлаган маълумотномаси олиб келинади. Шу ернинг ўзиде мазкур ҳужжатлардаги тегишли маълумотлар компьютерга киритилиб, фуқароларни куттирмасдан фарзандининг туғилганлиқ ҳақидаги гувоҳномаси тезда берилади. Айтиш жоизки, айрим ҳолатлардаги оворагарчиликлар ўз вақтида расмийлаштирилмаган ҳужжатлар туфайли юзга келади. Гоҳида туғуруқхонада ётган келиннинг қайнонаси бўлимимизга келиб, неварга кўрганлиги, шунинг учун оталиқни белгилашда ёрдам беришимизни сўрайди. Бу масалада ўғлининг ўзи келиши кераклигини айтганимизда онахон “Мана, ўғлим келмаса ҳам паспорти бор-ку”, дейди. Шунда биз фарзанд кўрган отанинг ўзи келиши,

ариза ёзиши шартлиги ҳамда туғуруқхонадан иккинчи томон, яъни онанинг аризасини олиб келиши кераклигини тушунтирамиз. Келин-куёв қонуний никоҳдан ўтаётганларида фамилия ўзгартирилгани билан боғлиқ яна бир ҳолат ҳам кузатилади. Чунки уларнинг паспортларига бир ой давомида паспортни алмаштириш муҳри босилади. Аммо шу пайтда ҳали муддат бор, деб ўйлашади, сал ўтмай бу ҳақда унутиб ҳам қўйишади ва эътибор беришмайди. Улар фарзандли бўлишганида эса болани онанинг фамилиясига ҳужжатлаштиришга тўғри келади. Шунда улар “Никоҳ ҳақидаги гувоҳномада бор-ку”, деб эътироз билдиришади. Албатта, уларга қонуний талаблар батафсил тушунтирилади.

Зебо САМУКОВА,
Бўстонлиқ туман ФХДЭ бўлими иш юритувчиси.

Гавҳар АЛИМОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви раиси ўринбосари:

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ!

— Гавҳар Зайировна, юртда барқарорликни, тўғрлик ва ҳамжихатликни сақлаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўз ўрни бор. Сухбатимиз аввалида маҳалла фуқаролар йиғинларида бу борада амалга оширилётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўллади ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур янгиланишларда халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳукуматимиз қарорлари, Давлат дастурларида белги-ланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг қанчалар юксак самара бераётганига бугун барчасини гувоҳимиз. Фуқаролар йиғинлари томонидан эҳтиёжманд оилалар аниқланиб, боқувчисини йўқотган хонадонлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Миллий ва маънавий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳамюртларимизнинг оилада ва маҳаллаларда тинчлик, осойишталикда, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашлари учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда маҳалла фаолларининг қай даражада ишла-

ётгани ўша жойдаги ободлик ва у ерда яшаётган одамларнинг ҳамжихатлигида намоён бўлмоқда. Шу маънода муаммоларни ўз жойида бартараф этиш, фарзандлар тарбияси, оилалардаги низолар ва келишмовчиликларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар қандай натижа берапти?

— Албатта, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзининг шаклланиши кўп жиҳатдан у ерда фаолият олиб бораётган оқсоқоллар ва фаолларнинг жонкуярлигига боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилганига бу йил 10 йил тўлди. Айни пайтда ушбу лавозимларда катта ҳаёт тажрибасига эга, аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий-диний аънава ва урф-одатларни ривожлантириш борасида ижобий таъсир кўрсата оладиган фаол, фидойи хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқда.

Мана, бир неча йилдан бери аънавий тарзда Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловини ўтказиб келяпмиз. Унда иштаркоб этувчи маслаҳатчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2013 йилда танловнинг туман, шаҳар босқичларида 7811 нафар маслаҳатчилар қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 8513 нафарни ташкил этди. Улардан 196 нафар иштирокчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида қатнашиб, 14 нафар ғолиб танлов-

нинг республика босқичига тавсия этилди ва Бухоро вилояти вакили С.Комилова 1-ўринни, Тошкент вилояти вакили Х.Аҳмедова 2-ўринни, Қашқадарё вилояти вакили Л.Чориева 3-ўринни қўлга киритди. Бундай кўрик-танловлар маслаҳатчиларнинг билим ва тажрибасини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маҳалла фаоллари ва маслаҳатчилари эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ёш оилаларнинг ажралиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш каби мавзуда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этмоқда.

Бироқ, афсуски, олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишларига қарамай, айрим ота-оналарнинг узокни ўйламай иш тутиши натижа-сида оила масъулияти ва мажбуриятларини тўла тушунмай турмуш қураётган ёшлар, баалоғатга етмай турмушга узатилаётган қизлар ўртасида турли муаммолар кўриб чиқмоқда. Баъзи фуқароларнинг тўй ва маросимларни дабдабали ўтказишга интилиши, исрофгарчиликка йўл қўйиши ҳолатларига дуч келяпмиз. Айрим маҳаллаларда жамоатчилик назоратининг сустиги туфайли жинсий хатти-ҳаракатларга қўшилган, нобоп ишларга қўл урган ва оиласида парокандалик юзага келган фуқаролар ҳам учраб турибди. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, имом-хатиблар, отинойилар ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлигини янада кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида тўй маросимларини ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймалик бора-сида маҳаллаларда 8 минг-

дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 91 та ёш оиланинг никоҳ ҳамда 98 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказишда қўмаклашилди.

— Аҳоли ўртасида хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида обод бўлиб бораётган маҳаллаларни кўриб одамнинг кўзи қувнайди...

— Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида оилаларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш, турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайли маҳаллаларда касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик билан шугулланаётган, шахсий томорқа ҳўжалигини ривожлантираётган ҳамюртларимиз ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада улар ўз хонадонларига фаровонлик олиб кириш билан бирга, кўни-кўшнилари, маҳалладошларига ҳам ўрнак, ибрат бўлишмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, фаолиятини яхшилаш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг олти ойи мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари томонидан юртимиздаги маҳаллалар ҳудудида 34 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектларини ташкил этишга қўмаклашилди. Уларда 42 мингдан зиёд янги иш

Эътироф

ўринлари яратилиб, 24 мингдан ортиқ хотин-қизлар ва 16 мингдан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Бу рақамлар ҳисобот учун айтилаётган сонлар эмас, уларнинг ҳар бири ортида бир инсон тақдири бор.

Маҳаллаларимизда уста-шоғирдик асосида иш олиб бораётган, тадбиркорлик билан шугулланиб, ўз оиласининг моддий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз жуда кўп. Бу эса маҳаллаларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, оилалар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу кунларда маҳаллаларда энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирларни ўтказаяпмиз. Кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз, кучли давлат барпо этишимиз учун ёшлар ўқиб, билим олишлари, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашлари борасида яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишни кераклигини, юртимизнинг бугунги ободлиги, фаровон турмушимизга осонлик билан эришилмаганини, ҳар бир ютуғимиз замирида катта меҳнат ва заҳматлар ётганини фарзандларимизга уқтирмоқдалар.

«Ватан маҳалладан бошланади», деган гап беҳиз айтилмаган. Эрталаб уйимиз остонасидан кўчага чиқар эканмиз, маҳалладаги янгиланишлар, ўзгаришларга гувоҳ бўлиб ишга отланамиз. Саришта хонадонлар, файзли кўчалар эътиборимизни тортади. Кўни-кўшнилари-миз, маҳалладошларимиз билан салом-алик қиламиз. Уларнинг очик чехраси, юз-кўзидаги хотиржамликдан уйи тинч, оиласи фаровон эканини англаймиз. Кўнглимизга шукроналик инеди. Туғилиб ўсган, умргузаронлик қилаётган мана шу азиз гўшанимиз обод бўлса, юртимиз файзага тўлади. Маҳалларимизнинг ободлигини, оилаларимизнинг фаровонлигини таъминлашга эса ҳар биримиз масъулмиз.

«Оила ва жамият»
мухбири
Хамрохон
МУСУРМОНОВА
сўхбатлашди.

ОИЛА ОЙНА БЎЛАДИ

Оққўрғон туманидаги «Гулистон» мавзесида таваллуд топган Ботир Шерғозиев оддий оиланинг фарзанди. Отаси Амир ака кўп йиллар қишлоқ ҳўжалик соҳасида ҳалол меҳнат қилиб, эл орасида обрў топган бўлса, онаси Хосият ая бир этак болаларни тарбиялаб, айни пайтда неваралар қаршовада, қарилик гаштини суриб келаётир.

Ботир ака 1986 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факультетини муваффақиятли битиргач, Жиззах вилоят ҳалқ таълими бошқармасида илк меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Педагогика соҳасида бир мuddат тажриба тўплаган малакали мутахассис ўн йил да-

вомида тумандаги 40-ўрта мактабда директорлик қилди, кейин эса элдошлари уни «Олимпент» қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайлашган бўлса, 2008 йилдан бери Оққўрғон туманидаги транспорт ва сервис касб-хунар коллежида раҳбар. Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати.

— Мен баъзан ўтган йилларни ўзимча таҳлил қиламан, бундан 23 йил аввалги ҳолат билан бугунги даврни солиштириман ва мустақилликка шукрона келтираман. Нега десангиз, «Ким эдигу ким бўлди?» деган ҳақли савол бугун ҳар бир фуқаро

рени ўйлантириши керак, — дейди Ботир Шерғозиев. — Тасаввур қилинг, биргина биз яшаётган Оққўрғон тумани кейинги ўн йилликлар орасида бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлди. Одамларнинг тафаккури, онги ўзгарди, яшаш ва турмуш даражаси юксалди, бир сўз билан айтганда, ҳаётга янгича қараш шаклланди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар мевасидир. Демак, бизнинг ҳар биттамыз шу озод ва обод Ватаннинг бир парчаси эканмиз, шу юрт тараққиёти йўли-

да тиним билмай ишлашимиз керак. Ботир акани кўпчилик нафақат ўзи раҳбарлик қилаётган аҳил жамоада, балки умргузаронлик қилаётган маҳалласида ҳам фаол жамоатчи зиёлалардан бири сифатида хурмат қилади.

Замондошларимиз билан сўхбатлашарканмиз, улар, биринчи навбатда оиладаги соғлом муҳит жамият тараққиётини белгилашда муҳим омил бўлишини қайта-қайта таъкидлашди.

Абдухамид МУСОҚОВ,
журналист.

Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида Хасан Кайфий ("Ўтган замон хангомалари"), Ҳамлет ("Ҳамлет"), Масхарабоз ("Кирол Лир") каби кўплаб ролларни маҳорат билан ижро этган, "18-квадрат", "Сув ёқалаб", "Сўғдиёна" каби бадиий фильмларда бетакрор образлар яратган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Тохир Саидов саҳифамизнинг бугунги меҳмони.

Тохир САИДОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

БАХТ МАНЗИЛИ ОИЛАДА!

— Сизнингча, санъат соҳасини қисмат деб англаган ҳар бир актёр бу машаққатли соҳада ўз ўрнини топиши учун қандай фазилятларга эга бўлиши керак?

— Актёр, энг аввало, жамиятда юз бераётган жараёнларни, ўзгариш-янгиликларни синчковлик билан кузатиб, унга ўз баҳосини бера оладиган даражада шаклланиши лозим. Актёрнинг вазифаси режиссёр берган ролнинг мағзини қақиб, уни маҳорат билан ижро этишдан иборат.

Ўзимга келадиган бўлсам, бахтим кулгани шуки, Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида Наби Раҳимов, Фани Аъзамов, Икром Болтаева, Обид Юнусов сингари улуғ санъат дарғалари билан елкадош бўлиб ишлаш насиб этди. Кадрдон театримиз сахнасида баҳоли қудрат талқин этган ролларнинг орқали озгина мухлислар орттирган бўлсам, бунинг замирида, аввало устозларимнинг менга ўхшаган ёшларга берган меҳр-муҳаббати, беминнат кўмаги, заҳматли меҳнати ётибди.

— Илгари сизни фақат театр сахнасида кўрган бўлсам, сўнгги йилларда бир қатор фильмларда ҳам ажойиб ролларингиз билан томошабинлар эътиборини қозонапсиз...

— Хоразм вилоятининг чекка бири қишлоғидан пойтахтга келиб, институтда ўқидим, махсус йўланма орқали академик театрда иш бошладим. Умир йўлдошим билан танишди, оила қуриш ҳақида орзу қилаётган кезларимиздаёқ кейинги ҳаётимни босқичма-босқич режалаштириб олганман. Биринчи навбатда оила бутлиги, фарзандларнинг дунёга келиши-ю, уларнинг таъминоти ҳақида ота сифатида қайғуришим керак эди. Театрда ишлаб, халқимизнинг тўй-ҳашаматларида кўлимдан келгунча хизмат қилиб, оиламни оёққа тургазим. Театрдан маош олиб бола-чақамни боқаяпманми, демак, сидқидилдан меҳнат қилишим керак, деган ақида билан яшадим. Саид Аҳмадининг "Уфк" романида Турсунбой, "Ҳамлет" да Ҳамлет, "Кирол Лир" да масхарабоз, "Дарахтлар тик туриб жон беради" да Мавриисо, "Омон бўлинг, азизим" да Жорж... Аввало, меҳрибон устозларимга, талабчан режиссёрларга ушбу спектакллардаги бош ролларни ишо-



ниб топширишгани учун ҳар қанча таъзим қилсам арзийди. Бу билан мен, энди бўлди, яхши актёр сифатида шаклландим, деган фикрни айтишдан мутлақо йироқман. Ҳамон изланяпман, ўрганишдан, ўқишдан тўхтаган одам борки, демак, унга гўзал ҳаётнинг ҳам деярли қизиги йўқ. Бундай бўлишдан асрасин.

Азалдан кинода ўз иктидоримни синаб кўриш ниятим бор эди. Аммо анча йиллар театрдаги ишим ва оила ташвишларидан ортмадим. Ниҳоят кинорежиссёрларнинг таклифларини қабул қилиш имкониятига ҳам эга бўлдим. Ҳар йили 5-6 та фильмлардан таклифлар тушяпти. Давлат буюртмаси билан ишланган фильмларда ҳам, тижорат фильмларида ҳам ролим ўзимга ёкса, уни яхши ижро этишимга кўзим етсагина розилик билдираман.

— **Мухлисларингиз сизнинг бадиий тил меъёрларини чуқур ўзлаштириб олганингизни эътироф этишад.** Ваҳоланки, айрим актёрларимиз ханузгача театрда ҳам, фильмларда ҳам шевада сўзлайди, бунга нима дейсиз?

— Биласизми, шевадан бадиий тил меъёрларига ўтиш машаққатли меҳнатни талаб қилади. Сут билан кирган, жон билан чиқадиган, деган гап бежиз айтилмаган-да. 1982 йили Тошкент давлат театр ва расмий санъат (ҳозирги Ўзбекистон Давлат маданият ва санъат) институтига киролмадим. Чунки нутқим шевага тортиб кетарди. Бир йил мобайнида Маданият коллежида ўқиб, устозларимни ҳоли-жонига қўймай, бадиий тилда сўзлашишни ўргандим. Ўқитувчиларим кўлимга китоб бериб, 150-200 саҳифани овоз чиқариб ўқишимни талаб қилишарди. Ётоқхонада кечкурунлари ҳамма ухлаб қолгач, ошхонага кириб, Абдулла Қоди-

рий, Чўлпон ва Фитрат асарларини овоз чиқариб ўқирдим. Болалар уйғониб кетишарди. Ҳатто уйқуси бузилган юқори босқич талабаларидан танбех эшитиб, калтак еган пайтларим ҳам бўлган. Барибир аҳдидан қайтмай, сабр-тоқат билан ўзбек адабий тилида сўзлашиш даражасига эришдим. Шу билан бирга, китоб ўқиш жараёнида эркин фикрлашга ўргандим, дунёқарашим кенгайди.

— **Матбуотда негидир болагингиз ҳақида кам гапирасиз?**

— 5-6 синфгача ота-онамиз бағрида жуда бахтиёр яшаганмиз. Онам оламдан эрта ўтиб кетди. Устизга устак турғунлик даврининг ситамлари бизнинг оиламизга ҳам қора кўланкани ташлади. Отанинг устидан ноҳақдан жиноий иш қўзғатишди... Оиламизда парокандалик бошланди. Саккиз нафар бола кўзимизни жавдиратиб қолавердик. Тангрим раҳмдил, ризқимизни берди, бир-биримизга суюниб, бир-биримизга далда бериб, меҳр кўрсатиб, ўз аравамизни ўзимиз тортиб кетдик. Мана, бугун ҳаммамиз олий маълумотли бўлдик, бахтли яшяпмиз. Бошимиздан оғир кўргуликлар ўтди. Мен у кунларни эсласам, беихтиёр кўзларим ёшга тўлади, негаки, бу дунёда энг меҳрибон зот она меҳрига тўймаганман. Бугун кўзимни онажоним, қўлимни отажоним деб ҳар қанча эркаласам-да, ул зотларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Хайриятки, падари бузрукворим бизнинг камолимизни кўрдилар, ҳозир 84 ёшда, куну тун дуодалар.

Рафиқам, радио суҳандони Дилобархон билан бошимиздан ўтган ташвишлар, қийинчиликлар ўзимизгагина маълум. Лекин ҳар доим болаларнинг тарбияси, илм

олишлари учун барча шароитларни яратиб бердик. Оллоҳга минг қатла шукр, энди роҳатини кўриш насиб этди.

— **Албатта, ота-онанинг зиммасига болаларига чиройли исм танлаш, гўзал хулқ-атворли қилиб тарбиялаш, касб-корли қилиш, ва ниҳоят, мустақил ҳаётга йўллашдек мураккаб ва шарафли вазифалар юкланган. Сизлар бу борада қандай йўл тутдингизлар?**

— Оилани тутиб турадиган, эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайдиган асосий устунлардан бири бу фарзанддир. Эсимда, бир пайтлар Дилобархон иккимиз Робиндранат Тагорнинг "Халокат" романини севиб ўқиганмиз. Асар қахрамони ватанига вафодор, сабр-тоқатли қиз Камолага ҳавас қилиб, биринчи қизимизнинг исмини Камола қўйганмиз. У ҳозир институтни битириб, менежментлик бўйича фаолият юритапти. Иккинчи қизимизга нозиккина ойдайд бўлсин, дея Хилола деб исм танладик. Айни пайтда у радиода режиссёр бўлиб ишлаяпти. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидаги мард, эли учун қайғурадиган Навфал-шоҳга ҳавасимиз келиб, учинчи фарзандимизни Навфал деб номладик. У ҳозир институт талабаси.

— **Ҳар бир оиланинг бошқалардан фарқи ўлароқ ўз ички тутумлари бўлади...**

— Демокчисизки, Тохир Саидов нуқул саҳнаю кино майдончаларидан ортмайди, уйга фақат ухлаш учун келади, тўғрими? Йўқ, аксинча, мен оилапарвар отаман. Диванга чўзилиб, телевизор кўриш ёки газета ўқиш билан вақт ўтказишни хуш кўрмайман. Байрам, туғилган кунларда-ку жон-жон деб уйдагиларга ўз кўлим билан бирор миллий таом тайёрлаб беришни ёқтираман. Пазандалик фақат аёлларнинг иши, деганлар янглишади. Бундай масъулиятли юмушни кадрдон дўстим, театрдаги елкадошим, халқимизнинг сеvimли актриси Абдураим Абдуваҳобовдан ўрганганман. Унинг қўли гуллигига ҳавасим келади. Шу деса-сангиз, бир пайтлар Абдураим ака ош дамласа, ўчоққа ўт қалашни яхши кўрардим. Да-стурхон тузаса, атрофида айланаб юравердим. Қараб-сизки, ўзим ҳам туппа-тузук ошпаз бўлиб қолдим-да.

— **Сизнингча, инсоннинг бахти-саодати нимада?**

— Мен ҳар доим ичимда шивирлаб айтиб юрадиган шеърга ўхшаш сатр бор: Янги тонгга етган инсон энг бахтли одамдир. Бахтининг аниқ ўлчови, мезони йўқ. Айримлар ўзларича чиройли қизга уйланишни, ҳашаматли уй-жой, машина олишни бахт деб ўйлайди. Йўқ, чинакам бахт юрт тинчлиги, аҳил ва тотув оила, соғлом қалб-вуҷуд, ҳалол топилган ризқ, яхши касб-хунар ва шу кабилар билан белгиланади. Бу ҳаёт — бизга яхшилик қилиш учун берилган тенгсиз муқофот, катта имконият. Ундан ўз вақтида унумли фойдаланиб қолайлик, азизлар!

Меҳринисо ҚУРБОНОВА
сўхбатлади.



МУАЛЛИМ — тилимизда фаол қўлланадиган бу сўзнинг туб илдизи "ўқитди", "ўргатди" маъносини англатган. Тилимиздаги "таълим", "билим", "илм", "олим" каби сўзлар ҳам айна шу муаллим сўзи билан илдиздош ҳисобланади, яъни уларнинг манбаи бир.

Тўра муаллим ўз ўқувчисининг муваффақиятларини эшитиб, ич-ичидан хурсанд бўлди ва бу ҳақда ким биландир гаплашишни истаб маҳалла гузари томон йўл олди.

Газетадан

МИЛЛАТ — "Миллат" сўзи тилимизда энг фаол қўлланади. Кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, ўзига хос маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги "миллат" сўзида акс этади. Бу сўз аслан «бир-бири билан бирлаштирди» маъносидан келиб чиққан. Демак, "миллат" сўзининг туб илдизи "бирлашиш" мазмунини ифодалаган.

АРАЗ ВА ОРАЗ — Алишер Навоийнинг "Оразин ёпқоч кўзимдин сочилу ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур қолдуз, ниҳон бўлғоч қуёш" деган байтини ҳаммамиз ёддан биламиз ва бу байтдаги "ораз" сўзи "юз", "чеҳра" маъносини англатишини ҳам биламиз. Айни шу "ораз" сўзи билан аразлаш маъносидаги "араз" сўзи битта илдиздан ўсиб чиққан. "Ўзбек тилининг этимологик луғати" да изоҳланишича, бу сўзларнинг илдизи битта бўлиб, "ораз" сўзи "кўрсатди", "араз" сўзи эса, "терсга ўғирилди" деган маъноларни англатган.

Эшиқбил ШУКУР
тайёрлади.

Илҳом

ЯХШИЛИК

Кимнингдир кўнглини олмақчи бўлсанг,
Бир умр қалбида қолмоқчи бўлсанг,
Меҳрдан дилга дарс солмоқчи бўлсанг
Яхшилик қилгин, яхшилик қилгин.

Ёмонликни барбод қилмоқ истасанг,
Охиратинг обод қилмоқ истасанг,
Кўнглингни ҳам шод қилмоқ истасанг,
Яхшилик қилгин, яхшилик қилгин.

АСРАНГ МЕНИ

Асранг мени армонларнинг азобидан,
Дил ўрганиб сиздан меҳр кутган чоғда.
Ёлғиз сизнинг ишқинизга зорлар бўлиб,
Ёлғиз сизни бошдан баланд тутган чоғда.

Асранг мени муҳаббатнинг ҳижронидан,
Бу ҳижронинг доғи мени қул қилмасин.
Рашиқ ўтида ич-этимни оловлатиб,
Рашиқим охир беҳуда матрур қилмасин.

Ёмонларнинг ёлғонидан асранг мени,
Бу ёлғонлар дилни яқсон айламасдан.
Ҳар ким ўзи хоҳлаганча тошлар отиб,
Тилларида гийбат дoston айламасдан.

Асранг мени хиёнатнинг гумонидан,
Орамизга совуқ назар ташламасдан.
Илло тақдир бизни ногоҳ адаштириб,
Айрилиқнинг қийноғига бошламасдан.



ЁЛҒИЗЛИК

Ярим тун. Сукунат, соқиндур борлиқ,
Ором олмақликни истайди хаё.
Аста кўз юмаман, сезилар оғриқ,
Вужудимни ўртар яна минг савол.

Ўрнимдан тураман, ташлайман қадам,
Юраман ой нури тушган томонга.
Аммо нима учун борғум билмайман,
Нима тортар мени, билмам у ёнга.

Деразадан боқиб ортга қайтаман,
Ахир биз ненидир англай билмадик.
Ўзим савол бериб, жавоб айтаман,
Яна қийнаётган турли хил ҳадик.

ТҮРТЛИК

Опажон, бир умр таъзим қиламиз,
Хоки пойингизни сурагимиз кўзга.
Омон бўлсангиз бас, БАХТ деб биламиз,
Ҳар нафас керакисиз ҳаётимизга.

Чарос НУР

ҚАЛЬ ЗИЁСИ

Раҳимжон ака ва Муҳаббатхон опани Охангарон туманидаги Телов маҳалласидагилар яхши эслашади. Улар шу маҳалладаги 38-мактабда узок йиллар ёшларга таълим-тарбия беришган. Раҳимжон ака Зокиров математика, физика фанларидан дарс бериш билан бирга ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун турли тўғарақлар ташкил этган. Айниқса, кўнгли табиатга ошурта бўлгани боис шу бегубор меҳрни ёшлар қалбига ҳам синдиришга интилади. Раҳимжон ака маҳалладаги ташландиқ ерни обод этиб, у ерга турфа гуллар эккан, маҳаллада бўладиган турли тadbирларда шу гуллардан улашиб, кўпчиликни хушнуд этган. Билимдон муаллим Муҳаббатхон опа эса эндигина мактаб остонасига қадам қўйган болажонларга она каби ғамхўрлик қилиб, сабоқ берган ва элда эъзоз топган.

Зиёли оилада камол топган фарзандлар тарбияси ҳам шунга мутаносиб бўлиши табиий, албатта. Улар бир этак фарзандни билим-заковат-

ли, меҳр-оқибатли қилиб ўстиришди, олий маълумотли бўлишларига масъулият билан қарайдилар.

— Мактабдан келишимиз билан тўғарақка йўл олардик, — дейди шу оила фарзанди Нодирхон ака, — отам тил билган эл билади, деб ўқтирдик. Ҳар куни кечки овқатдан сўнг шу



куни нима билан машғул бўлганимиз, қилган ишларимизни таҳлил этардик. Онам ҳам ўқимишли ёки ўз касб-ҳунарини яхши билган одам ҳаётда қоқил-маслигини қулоғимизга синдирадди. Ҳозирда мен яқка тadbиркорман.

Ибрат

Фарзандларимизни ёшлигидан билимга чанқок, китобсевар қилиб ўстирмоқдамиз. Қизим Мохинур Нуробод касб-хунар коллежида ўқиш билан бирга инглиз тилини ўрганди, қандолатчилик ва тиббиётдан қўшимча курсларга қатнади. Укаси Қозимхонга ҳам инглиз тилини ўргатаётгани келгусида самара беришига ишонаман. Эндигина олти ёшга тўлган кичик ўғлимиз Асилхон спорт тўғарақига қатнамоқда. Фарзандларнинг баркамол бўлиб ўсишида ота-онанинг ўрни катта бўларкан. Болаларимнинг спорт билан шуғулланишларига қараб ҳавас қиламан, спортга қизиқаман-да. Бизнинг болалигимизда бунақа имкониятлар йўқ эди. Айни пайтда маҳалламизда "Телов" футбол командасини ташкил этганимиз. Ҳозирда туманимиз миғана қёсида турли танловларда голиб чиқиб маҳалламиз шаънини оқлаётимиз.


Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Ташкент вилояти.

Биласизми?

ЁҒОЧ ИДИШЛАР

Кўпчилик хонадонларда ёғочдан ишланган қошиқ ва бошқа идишларни безак сифатида деворга осиб ёки шкафга териб қўйишганига гувоҳ бўламиз. Аслида эса ёғоч идишларнинг ўзига хос фойдали томонлари бисёр.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёғочда ошловчи моддалар мавжуд бўлиб, бу микроблар кўпайишининг олдини оларкан. Шу туфайли унда сақланган маҳсулотлар тез айнамайди, аксинча, инсон учун



кўпгина фойдали дармондорилар билан бойийди. Шунингдек, ёғочдаги шифобахш қувват егулик орқали инсон организмга ҳам ўтади.

Хали қошиқ ўйлаб топилмаган пайтларда одамлар таомни қўлда истеъмол қилишган. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос афзаллик томонлари кўп. Бироқ, иссиқ таомларни ейиш қулай бўлгани учун кейинчалик ёғоч қошиқлар тез оммалашиб кетган.

Ёғоч идишлар, айниқса мураббо тайёрлашда жуда асқотади. Чунки мева-чеваларнинг ҳаммаси ҳам металл идишларни "ёқтиравермайди". Унинг таркибидаги фойдали элементлар металл идишда тез парчаланаяди, ёғоч қошиқлар билан аралаштирилганида эса мевалар ўз кўринишини ва таркибидagi витаминларни асраб қолади. Энг асосийси, зарарли ишқорланиш юз бермайди. Ҳўл меваларни эса даррахт новдасидан тўқилган саватда сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир маслаҳат, чақалоқларни чўмилтиришда ёғоч чўмичдан фойдаланган маъқул. Агар у жуқа даррахтдан ишланган бўлса, яна ҳам яхши. Чунки ушбу даррахт ёғочча фойдали хусусиятларини сувга чиқаради. Бу эса гўдак танаси учун жуда фойдалидир.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирнок, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, даррахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фаргона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

13.08.2013 йилда Мельников Яков Игнатьевич номига берилган шаҳар йўловчи транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'zR №003168-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҲУРМАТЛИ ЖАҲОНГИР!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан табриқлаймиз. Сизга соғлиқ-саломатлик, узок умр, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Барча орзуларингиз рўёбга чиқсин.



Дўстларингиз Акмал, Умид ва уқангиз Миржалол. Фаргона вилояти, Бешариқ тумани.

— Хой, ҳамсоя, суюнчи беринг, келиним ўғил туғди, бирам ширинки, асти қўяверасиз, худди отасининг ўзи, туф-туф, кўз тегмасин. Туғаётганида келинимнинг бошида турдим, кудамни киритмоқчи эдим, кўрқаман, дегач ўзим киривердим. Биринчи туғишига қарамай, келингинам кўпма кўйналмади — бирпасда қутулди-қўйди. Ҳамсоянгининг қувонганларини айтмай-сизми, отам набира кўрмай кетганди, мени етказди деб. Шодмонқулим-ку оғзини ёполмай қолди, тиржайгани тиржайган.

Ҳа, айтмоқчи, отини нима қўйсак экан, деб ўйлаб қолдим. Ҳамсоянғиз Султонбек қўяман, десалар, Шодмонқулим замонавий исм қўямиз, дейди. Уришиб бердим, катталар бир нима деса, жим ўтир, уят бўлади, сенларнинг отингни ҳам боболаринг қўйган, гингимиз чиқмаган деганимдан сўнг жимиди. Тўғри айтибманми, набирам

кйган, сиз ҳам киясиз, қари билганини пари билмас, дегандим, йўқ, жимгина кийиб олди.

Ана шунақа гаплар, эгачижон. Сиздан бир хабар олай деб ушланиб қолганимни қаранг, элакка чиққан аёлнинг эллик оғиз гапи бор, деб шуни айтадилар-да. Борақолай энди, Нуржон момо аллақачон кетаманга тушган, бир кун ётинг десам ҳам унамаепти, уйим тинч, дейди. Бешикнинг ёнида ўзим ётавераман, қайси момодан камман?

Ҳа, айтмоқчи, чақалоқли уй чиллала деб ўзингизни тортманг, ўтаверинг, набирам сиздай ували-жували бўлса ёмонми?..

— Хой, қўшнижон, бўғирсоқ олиб келдим, келинимнинг онаси ун юборибди, бир тоғора ҳамир қориб, бўғирсоқ пиширдим. Сизга ўзим олиб чиқа қолдим, шу баҳона тўртта гурунг қилай дедим-да. Чақалоқ кечаси билан йиғ-

ўтмай, боғчага бериб бепарво кетаверардим, буни у уйдан бу уйга ўтунимча соғиниб қоламан, ўригидан дағи ширин деганлари шумикин?

Эй, гапириверсам гап кўп, яхшиси борақолай, сиз билан гаплашиб тўймайман-у, нима қилай, вақтим зик, Султонбек уйғониб қолгандир. Аяси ҳали боланинг қадрига етмайди, кечалари йиғласаям ўзини эшитмаганга солиб ухлайверади. Товба, она ҳам шунақа бепарво бўларканми? Ё менга ишонармикан, ҳамсоя? Койиб бергим келади-ю, яна раҳим келади, ҳали ёш-да, озорқ дам олсин, ухласин, дейман...

— Хой, ҳамсоя, Султонбекка бешик оляпмиз. Ўтган кунни кудам келиб, шу ёзда бешик тўйи берсак, дегандилар, рози бўлиб қўя қолдим, хайрли ишнинг эртаси яхши-да,

Бугуннинг ҳикояси

ЭЛАККА ЧИҚҚАН АЁЛ

Султон исмли бўлса ёмонми? Эски от эмиш, ҳамма ҳикмат эски отларда-ку.

Ана шунақа гаплар, қўшнижон, қувончимни ичимга сидиролмай сиздан бир суюнчи олай, дедим-да. Энди борақолай, кеч бўлмасидан келинимга бирор егулик тайёрлай...

— Хой, ҳамсоя, келинимни туғуруқхонадан олиб чиқдим, чақалоқни бешикка ҳам беладик, Нуржон кампир момолик қиляптилар. Умри билан, ризку рўзи-ю ота-онаси билан берган бўлсин, илоё!

Дугоналарим аллақачон набира кўрди, деб ўксинардим, ҳар тугул мени ҳам етказди, ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлгани ҳам яхши-да. Ҳаммадан менга эрмак топилаганини айтмай-сизми, ҳатто кеч кирганини сезмай қоляпман. Ишлаб ўрганган аёлман, пенсияга чиқсам сиқилиб кетсам керак, деб ўйлагандим, қайда, набирам билан зерикшига вақт йўқ.

Келинимни кўринг, кела солиб энги калта қўйлагини кийиб олибди, роса қойидим. Раҳматли онам туққан аёлнинг етмиш минг томири очилади, бир дард илашса ёмон қилади, дердилар. Келинимга ҳам онамнинг гапларини айтиб, эгнига жемперини, оёғига пайпоғини кийдирдим. Саратонда пайпоқ кияманми, дейди тушмагур. Қарияларимиз



лаб чикди, қорни тўймаётганга ўхшайди. Келиним чимхўр, ярим коса шўрвани аранг ичади, овқат емаганидан кейин сут қаердан бўлсин? Шодмонқулим дўқондан болаларнинг сутини олиб келайми, деганди, бекорларнинг бештасини айтибсан, келинимнинг ўзи эмизсин, деб уришиб бердим. Ҳозирги ёшларга хайронман, боласини эмизишга ҳам эринади, боз устига эрини йўригига солиб олганини айтмай-сизми? Дўқондан тайёргина сут олиб келармиш... Ундан кўра хотинингни қойиб, яхши овқатлан, деб айт, ҳар ҳолда эрининг гапи ботмайди-да, тўғрими, ҳамсоя?

Сутни қўятурунг, бу набира дегани жуда ширин бўларкан-да, болаларимни сал

тўғрими? Кудамга айтдим: топганингизни беринг, набирангизга нима совга олсангиз, ана, қизингиз билса бўлди, кўз-кўз қилманг, дедим. Одамларга хайронман, қайнда бир тўйда набирасига олган кийимларини-ку қўя турунг, памперсигача кўрсатишди, уяллаганларини уларни... Қолаверса, кўз-суқ бор, бола гул бўлади, унинг нарсаларини мақташ, ҳаммага кўрсатиш хосиятли эмас. Яна кудамга сарпо қилманг, десам, “Қандоқ бўларкин?”, дедилар. “Мундоқ бўлади”, деб бош бармоғимни кўрсатдим. Сарпосиз тўй қилганини шаҳардан хайдабдиларми, бировларнинг тўйида сарпо қилган бўлсам, мен ҳам совга олиб борганман, ҳеч кимнинг

ҳақи қолмаган, дедим. Тўғри айтибманми? Икки қудам келишса олам гулистон, келишса китти-қийём, тўполон. Худого шукр, ҳали кудам билан сиз оғзимиз сенга боргани йўқ...

— Хой, ҳамсоя, келиним ишга чиқяпти, Султонбекни боғчага қўймоқчимиз, ҳей, йўл ёқасидаги икки қаватли боғча бор-ку, ана ўшанга. Бир қадам узоқ бўлсаям майли, рус тили билан англиз тилини ўргатишаркан. Рости, шунча йилдан буён бу боғчага кирмаган эканман, мудираси билан гаплашишга бориб, оғзим ланг очилиб қолди, нақ ўрмон дейсиз, дарахлари осмонга бўйлаган, ҳар хил аргимчоқлар тўлиб кетган, набирагинам яйрайдиган бўлди. Ўзимга қолса, боғчага бермай олиб ўтирадими-у, ўғлим, онажон, сизнинг ҳам у ёқ-бу ёққа боришингиз бор, қийналасиз, дегач рози бўлдим. Турсунтош дугонанинг ўша боғчага қатнайдиган невараси бор, булбулдай сайрайди, бирам бийронки, хайрон қоласиз. Боғча барибир боғча-да, уйда ўтириб мениманиям ўргатардим, ўғлим айтганидай, юришим ҳам кўп.

— Хой, ҳамсоя, Султонбек мактабга боряпти. Кеча бозорга чиқиб оқ қўйлақ, қора костюм-шим олиб бердим, бирам ярашдики, асти қўяверасиз. Сумка-ю ўқув қуролларини мактабдан бераркан. Кийимларини ўн марта кийиб, ўн марта ечди, синглиси оёғининг остига ўралашса, кир қиласан, деб койиганига ўлайми?

Сизга айтсам, ҳамсоя, Султонбек набираларимнинг ичиди бошқачароқ, ундан катта одам чиқадигандек. Ҳали кўрасиз, мактабда ҳаммадан яхши ўқийди, синфнинг олди бўлади. Ушанда, Махфиратой тўғри айтган экан, дейсиз. Ҳалитдан ручкани ушлаб, ҳарфларни ёзишни кўрсангиз, қойил қоласиз, ёдлаган шеърларини-ку ҳисоби йўқ. Инглизчада санашни, саломлашишни, хайрлашишни, яна алланималарни билади. Сизга боғча барибир боғча-да, дегандим-ку, биламан-да, уйда ўтирган бола бунча нарсани қаердан ўргансин?

Ия, яна жағим очилиб кетди, соат саккизга яқинлашгандир, рости сизни кўрсам, нимага чиққаннимиям унутиб гап сотаман. Аслида атиргул сўраб келгандим. Уйдаги ҳар хил гуллардан набирамнинг мактабига олиб борадиган гулдастасини ясадим, атиргул қўйсам аянам чиройли кўрилади. Сиз ишингизни қилаверинг, ҳамсоя, қайчиём олиб келганман, узаман-у, кетаман. Шошилмасам бўлмайди, ҳамсоя...

Лола УРОҚОВА

Унинг кўзига шу жувондан бошқаси кўринмади. Ҳамма нарсасидан воз кечди. Хотинидан, бир этак боласидан, кекса ота-онасидан, уй-жойи, ҳовлисидан...

Бир оғил мол боқаётган, тандир-тандир нон ёпаётган, тоғора-тоғора кир юваётган хотини кўзига хунук кўринди. Кийимидан атир ҳиди анқиб турган жу-

ПАРВОНА

вон атрофида парвонадай айланди, топганини унга ташиди, йўқ нарсасини бор қилди, ўғлини ўғлим деди, қизини қизим. Ўзиникилар аросатда қолиб кетди.

Йиллар ўтиб аёлнинг қизи қиз, ўғли ўғил бўлди ва... Уни ит ғажиб ташлаган суяқдай иргитиб юборди.

ЛОЛА

Ўқинг, қизик...

ХУРРАК ВА АПНОЗ


Уйку вақтида нафас олишинг бузилиши зотил-жамга чалинишга сабаб бўлиши мумкин. Тайван олимлари хуррак ва апноз (уйкусида тўхтаб-тўхтаб нафас олиш) кишида зотилжам (пневмония) касаллигининг ривожланиш хавфини 1,5 баробар қучайтиради, деган хулосага келишган. Бундай ҳолатда ҳаво етишмаслиги оғиз ва бурун билан биргаликда зўриқиб нафас олишга мажбур қилади, нафас билан кирган ҳаво етарлича тозаланмагани ва кизимгани сабабли ўпкага инфекция тушади.

ҚУЁШДА ТОБЛАНИШ ЗАРАРЛИМИ?

Дунё мутахассисларининг айтишича, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида аёлларда тери ракига чалиниш 24 баробар ошган. Бу ҳол ўтган асрнинг 80-йилларида пайдо бўлган қуёшда тобланиш модаси билан боғлиқдир. 20-30 йил аввал қуёшда кўп тобланганларнинг аксарияти ҳозирда унинг оқибатини ўзларида ҳис қилишмоқда, деса бўлади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, тобланиш (табиий ёки сунъий) инсон соғлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни келтириб чиқариши тайин экан.

“ПЛАНШЕТ УЙҚУСИ” ДА

Гарвардлик мутахассислар уйқуга ётиш олдида



смартфон, интернетга чиқишинг бошқа гаджетларидан фойдаланиш уйқусизликнинг “планшет уйқуси” (узук-юлук, чала, тушсиз уйку) каби янги кўринишини пайдо қилади. Бу ҳолат яси гаджетларнинг светодиодлари чиқарадиган ёруғликнинг хаворанг спектр тўлқинлари туфайли содир бўлади.

СОЧ НЕГА ТЎКИЛАДИ?

Сочларнинг бир пасда оқариб кетиши кучли стресс туфайли бирдан соч тўкилиши натижасида содир бўлар экан. Бундай пайтда негадир пигментланган (яъни, озиқланган, ўз рангига турган) сочларгина тўкилади ва сўнгра оқарган соч толалари янада кўзга ташланадиган бўлади. Аммо стресс туфайли соч толаларининг ҳаммаси ҳам оқариб кетмайди.

“АИФ” материаллари асосида тайёрланди.

Қатра



АНТИҚА ИХТИРОЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Хитойликлар ҳақида аниқ бир асосга эга бўлмаган бир гап юради, яъни улар гўёки энг аjoyиб ихтиролардан нусхалар кўчиришади ва бу махсулотларнинг оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишади. Биз эътиборингизга ҳавола этадиган фотосуратлар ва маълумотлар сизни ҳам хитойликлар ҳақида бундай фикрга боришдан қайтаради, деб ўйлаймиз. Улар фойдали ихтиро устида бош қотиришга эринишмайди ва бунга қисман эришмоқдалар. Фақат уларнинг бу ихтиролари ҳали оммалашиб улгурмаган.



Ли Юймин Вухань вилоятининг Хубей кишлоғида фермерлик қилади. У ўзига кичкина сувости кемасини ясади. «Тяньгун V» деб ном олган кеманинг узунлиги – 3 метр, баландлиги – 1,2 метр. 20 метрча чуқурликка шўнғий олади. Кема салонига иккита катта одам ва бир бола бемалол жойлаша олади.

Худди шу кишлоқ фуқароси бўлмиш Ли Цицизянь исмли болакай антиқа велосипедда Ханьзьян дарёси бўйлаб сайрга чиққан. Унинг отаси Ли Вэйгуо оддий велосипедни модернизациялаштирган. У велосипедга тўртта ҳаво тўлдирилган бочкани тиркаб, орқа гилдирагининг спицалари ўрнига сузгичлар ўрнатган.

Цзилинь кишлоғида яшовчи Цзянь Яли эса дўстлари кўмағида улкан велосипед йиғди. Баландлиги 3,2 м,



узунлиги 5,5 м ва оғирлиги бир тоннадан зиёд келадиган велосипед 20 000 юань (3156 доллар)га баҳоланди. Цзянь бу мўъжизасини йиғиш учун икки ой вақт сарфлади. Велосипед тайёр бўлгач, уни миниб Гуандун кишлоғига борди ва ўша ерда яшовчи 25 ёшли ўғлига совға қилди.

Пекинлик Тао Цзянли ҳам сувости кемаси ишқибози. У эски бочкалардан унча катта бўлмаган сувости кемасини ясади. Кема ичиди перископ, балластли баклар, электромотор ва иккита винт жойлаштирилган.

Маҳаллий аҳолининг ушбу ихтиролари кўпчилик томонидан катта қизиқиш билан эътироф этилди. Бироқ бу махсулотларнинг ҳаммаси ҳам синовларда муваффақият қозонмаган. Мухими, ихтирочилар фойдали янгиликлардан чекинишмаяпти.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



ЎРТАНГАН ЎРТАНМАСИН

Хорижга ишлагани кетган пайтим қизим Дилдора тўсатдан тутқаноқ (эпилепсия) касалига чалинибди. Хотиним кўнғироқ қилиб, унинг аҳволи оғирлигини, давлатмасак ногирон бўлиб қолишини айтди. Унинг овозидаги хавотир менга ҳам ўтди. Қизимни даволатиш учун уйга пул юбордим. Таниш-билишлардан қарз олишга ҳам тўғри келди. Кўпроқ пул топиш илинжида тунда ҳам ишлай бошладим. Чарчаган кезларимда ҳам қизим ва фарзандларим кўз олдимдан кетмас, улар менсиз қийналаётганини ўйлаб, ўзимни айбдор ҳис этардим. Имкон қадар кўпроқ ишлаб, пул топишга ҳаракат қилардим. Охири соғлигимдан айрилиб, ярим-жон бўлиб қолгач, уйга қайтишга мажбур бўлдим. Уйга келиб, тасаввуримдагидан бутунлай бошқача манзаранинг устидан чиқиб, тўғриси жуда қувондим. Негаки, хотиним ва болаларим соғ-саломат, бекаму кўст яшашаётган экан. Аёлим юборган пулларимга уйларни таъмирдан чиқарибди, мебеллар билан жиҳозлабди. Ўғлимнинг хонасида компьютер, Дилдоранинг кўлида эса энг сўнги русумдаги қимматбаҳо телефонни кўриб хайрон бўлиб қолдим. Маълум бўлиши-

ча, қизимнинг касал бўлгани ҳақидаги хабар ёлғон экан, хотиним пул ундириш илинжида мени алдаганини эшитиб, қаттиқ хафа бўлдим. Алданганим-ку майли, энг даҳшатлиси, соғлигимдан айрилганим менга жуда-жуда алам қилди. Буйрагимдаги оғрик кундан-кунга авж олиб, шифохонага тушиб қолдим. Ўша кезлари бир меҳрибон инсонга зор бўлдим. Чунки онасининг ёлғиз ва эрка қизи бўлган хотиним: “Мен касал боқиб ўтиролмайман”, деб икки болани ташлаб, пул топиш илинжида хорижга отланди. Ўзга юртда яшаш осон эмаслигини ҳар қанча тушунтиришга уринмайин, барибир қулоқ солмади. Кейинроқ келиб, болаларни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Сарсон-саргардонликнинг захматларини кўрган учун уларнинг ортидан боришни истамадим. Хуллас, аёлим билан қонуний ажрашишга қарор қилдик. Ўз касбим бўйича ишга жойлашдим. Соғлигимни тикладим. **Ёшим 42 да.** Фарзандларимга ота меҳри керак, дейдиган аёл бўлса, унга қонуний уйланиб, бахтли ҳаёт кечириш ниятидаман.

УСМОН,
Самарқанд вилояти.

ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Қодир асли Наманганлик. Касби қурувчи. У билан қўшниқизидан ишлаб юрган кезлари танишиб, бир-биримизга кўнғил қўйдик. Ўтмиши ҳақида айтиб берганида, кўнғимда унга нисбатан ачиниш ҳисси пайдо бўлди. У холасининг қизига уйлانган, автохалокатга учраб, ўнг оёғидан жароҳат олгач, бир жойда ётиб қолган экан. Шундай оғир кунларда хотини уни ташлаб, отасиникига кетиб қолибди. Тақдирнинг инояти туфайли секин-аста оёққа туриб, тузала бошлагач, маҳалладошлари билан бирга устачилик қила бошлаган. Саломатлигини тиклаб олгач, уйланишга қарор қилган.

Бизникига совчи юборди. Унинг тақдирдан огоҳ бўлган ота-онам гулдек қизимизни икки болали эркакка бермаймиз, деб совчиларни қайтаришди. Мен эса отамнинг юзига оёқ қўйдим. Келинлик либосини кийиб, уйдан кетаётган пайтим отам: “Ҳеч қачон бу уйга қўзининг ёшини оқизиб келмагин, сен учун эшигимиз берк”, деб қузатди. Бир ўғил, бир қизли бўлдик. Эримнинг ишлари юришиб кетди. У пойтахтда, мен қайнона-қайнотамнинг хизматларини қилиб, етти йил Наманганда яшадим. Бизни ҳам пойтахтга олиб кетинг, ҳаммамиз бирга яшайлик, десам, эрим сира рози бўлмасди. Кўнғимга шубҳа оралаб, ҳеч кимга сездирмай йўлга чиқдим ва у яшайдиган уйга кириб бордим уқўларимга ишонмай қолдим. Эрим ўзига жазман топиб олган экан. Шундан сўнг ажрашишга қарор қилдим. Қодир мен билан қонуний ажрашишга улгурмай, яна собиқ аёли билан топишиб олди. Отамнинг сўзларига қулоқ солмай, катта хатога йўл қўйганимни англагач, бош эгиб, кечирим сўраб бордим. Бизни қанотлари остига олиб, уй-жой қилиб беришди. **Ёшим 30 да.** Олий маълумотлиман. 35 ёшгача бўлган уй-жойи, касб-кори тайин, зиёли инсон билан оила қуриб, ҳаётимнинг қолган қисмини бахтиёрликда ўтказиш ниятида сизларга мурожаат қиляпман.

МАЛИКА,
Тошкент вилояти.

АРАЗЧИ КУЁВ

Бундан бир йил илгари “Бахтли бўлинг” руқнига мурожаат қилиб, хоразмлик Сирож исмли эркак билан танишгандим. У аёли билан беварзандлик туфайли ажрашган экан. Учрашувга чиққанимда ёлғизликдан қийналганини, болаларимга чин дилдан оталик меҳрини бериб яшашга тайёр эканлигини айтганди. Унинг илиқ сўзларидан меҳрим ийиб, тўйини тезлатдим. Уй-жойи йўқ экан. Ўз уйимдан жой бердим, қонуний никоҳдан ўтдик. Оиламиз аъзосига айлангач, ўғлим билан қизим унга “дада”, деб мурожаат қила бошлашди. Тўқис оила бўлиб яшаётганимиздан жуда-жуда бахтиёр эдим. Сирожнинг ўғлим билан унчалик иши йўқ, аммо қизимни сира холи-жонига қўймай, ҳар бир қадамини текшириб, тергашдан қарчамасди. Бир куни дугоналарининг ёнида қаттиқ танбасди берибди. У ҳам қизиққонлик қилиб: “Сиз менинг дадам эмассиз, тергашга ҳақингиз йўқ”, дебди. Ишдан қайтсам, эримнинг қовоғи солиқ, нарсаларини сумкага жойлаб, кетишга шай бўлиб ўтирибди. “Ота дегани шунақа бўлади, қизини қойиб, тартибга қажириб ўстиради”, деб қизимни қойидим. Сирож ҳовуридан тушиб, кетиш фикридан қайтди. Икки ўртада қизимга жуда қийин бўлди. Яқинда у яна қизим билан жанжаллашиб, Хоразмга кетиб қолди. Никоҳ қозғимиз, ҳатто паспортимни ҳам ўзи билан олиб кетибди. Кўнғироқ қилсам, гўшақни кўтармаяпти. У фақатгина сизларга ишонади. Мумкин бўлса, у билан боғланиб, вазиятни тушунтирсангиз деган мақсадда келдим.

Назиранинг илтимосига биноан Сирож билан телефон орқали боғланиб, суҳбатлашдик. Бошпанасиз, аёл меҳрига зор бўлиб юрган кезлари ўз уйининг тўридан жой берган, оиланинг устуни деб қабул қилган аёлнинг меҳрини суиистезмол қилмаслигини тушунтирдик. Бир ҳафтадан сўнг Назира тахририятга кўнғироқ қилиб, хўжайини уйга қайтганини, ўз қилмишидан пушаймонлигини билдириб, биздан узра сўради.

УЙДАН ЧИҚҚАН ҚИЗ...

Мунира кенжа фарзанд бўлгани учун ҳам бир сўзли, эркатой қиз эди. Аммо, келин бўлганидан кейин бу одатларидан асар ҳам қолмади. Оила аъзоларининг атрофида парвона эди. Эри билан ҳам бир-бирларини жуда ардоқлашар, иноқ яшашарди. Фарзандлари Комронбек уч ёшга кирганида куёвимиз Олимжон оғир дардга чалиниб, дунёдан ўтиб қолди.

Қисматида бор экан-да, синглим зор-зор йиғлаб ўғли билан ота уйимизга қайтиб келди. Унинг бу мусибатдан чиқиб кетиши жуда қийин кечди. Шундан бери қанча жойлардан совчилар келди, у бўлса, йўқ, энди эрга тегмайман, умр йўлдошимнинг руҳи безовта бўлади, деб кўнмади. Ҳозир ўғли 10 ёшга кирди. Ота-онам дунёдан ўтиб кетишгач, уйдаги келинимиз

ҳар хил баҳоналар билан акамга Мунирани ёмонлашдан тинмаяпти. Яқинда арзигамак нарсани устидан акам синглимининг ўғлини бир шапалоқ урибди. Ўша кундан бери тинчи йўқолган, ижара уй топиб бўлсам қиқиб кетаман, балки тақдиримда бўлса турмуш қураман деб юрибди. Илтимос, Мунирага ёрдам берсангизлар. Унинг ёши 36 да.

ЛАЙЛО,
Жиззах вилояти.

"КЕЛИН САЛОМ" — СОВФА ТАРҚАТИШ ЭМАС-КУ!

Халқимизнинг гўзал ва ажойиб, бутун дунё аҳлини ҳайрату ҳаяжонга солгувчи удум, урф-одатлари, тўй-томошалари бор. Асрлар давомида шаклланган ва сайқалланган бундай анъаналар бугунги кунга келиб янада ўзгача қиёфа ва мазмун-моҳиятга эга бўлиб бораётгани кувонарлидир. Бироқ, айрим ҳолларда бундай миллий удумлар, тўй-тантаналарни ўтказишда ҳамон манманлик, дабдабозлик билан бирга, майда-чуйда кусурлар ҳам аралашиб қолаётгани кўнгилни хира қилмоқда.

Яқинда ана шундай одатларимиздан бири «келин салом» маросимида гувоҳ бўлган бир қизиқ ҳолат хусусида тўхталмоқчиман. Каттақон ҳовли саҳни чиройли қилиб безатилган. Тўрт тарафни мусиқа овози тутган. Кечагина келин бўлиб тушган қиз саломга эгилиши биланок куёвнинг қариндошлари бирин-кетин, келиннинг ёнида турган янгасига аталган совғаларни олиб кела бошлашди. Қайнота гилам, қайнона тилла узук, қайинсингил идишлар тўплами, хуллас, амма-халалар ҳам кўнгилдан чиқарганларини бериб, саломга алик ола бошлашди. Бир маҳал хотин-халажлар ўртасида шивир-шивир бошланди:

— Тавба, аммасининг аҳволини қаранглар, йўқ жойдамидики, топгани бир кийимлик мато бўлди?!

— Қайнотанинг топган гиламини кўрдингизми, ўтрасангиз бир томингиз ерда қолади-я. Бунча паст бўлмаса булар-а?..

— Менинг қизимга қайнонаси «ке-

лин салом»да нақд ўн граммлик тросс такувди. Жиянимнинг қайнонаси берган узукни қаранг, тилласиям тоза бўлмаса керак...

Бундай калтабинлик билан айтилган гап-сўзларни эшитиб, ёқамни ушладим. Ахир, совганинг яхши-ёмони, катта-кичиги, баҳоси бўлмайди дейишадими-ку, нахотки, бебаҳо удумларимизга ҳам ғараз фикрлар аралашиб улгурган бўлса?!

Шу ўринда яна бир воқеа эсимга тушди. Хизмат юзасидан арзиманган



баҳонада келишолмай, мурасоми қочган бир хонадонга бордик. Ҳали келин бўлиб тушганига бир йил бўлиб бўлмаган келинчак қайнонасига қўлини бигиз қилиб бақирарди: «Келин салом»даёқ сизнинг қурумсоқлигингизни билганман. Алмисоқдан қолган чойнак-пиёлани кўтариб чиққандингиз, келинларимнинг олдида шарманда қилувдингиз». Камсуқумгина аёлнинг эса қўли кўксиди, кўзларида ҳайрат ва кўрқинч. Аста шивир-

Ойна

лагандай бўлди: «Жон қизим, ўша чойнак-пиёла мен учун ниҳоятда қадри эди-да, уни раҳматли қайнонам берганди, «келин олсанг, совға қилиб бер. У ҳам менга ўхшаб юз ёшларга кириб юрсин», деб ният қилганди, эссиб...»

Юрагинга оғриқ киради бундай гапларни эшитиб. Худди ана шундай, бойликка ружу қўйган, ўткинчи ҳою-хавасга берилган келинларнинг касри туйфайли гулдай оилалар парокандалик сари юз тутаетгани сир эмас-ку!

Яна бир мулоҳаза. Ҳозир бизнинг водий тарафларда, тўғрироғи, Наманган вилоятининг айрим ҳудудларида «келин салом»га кўрмана берган қариндошга келин томондан ҳам қандайдир совға қайтариш урф бўлибди. Бир дугонам ана шундай бўлмағур одат боис маросимда қудалар ўртасида келишмовчилик чиққанини куюниб айтиб берди. Яъни, келин томон кўрмана олиб келганларга нархи арзон бўлган сочқик берганмиш. Каттага ҳам, кичикка ҳам бир хил совға бўлгани куёвнинг онасини ранжитибди...

Менинг ўзим бир гал шундай маросимда келиннинг онаси ўз қўллари билан тиккан елпигич, фартук, чойнакнинг устига ёпғич, қозон ушлагич каби рўзгорга керакли буюмлар совға қилганини кўргандим. Кўплар ғоятда юксак дид ва қўл меҳнати маҳсули бўлган бу буюмларни хурсандчилик билан қабул қилганди.

Тўғри, ҳар бир оилада турлича мухит ҳукмон бўлиши мумкин. Қариндошлик, қўни-қўшничилик муносабатлари ҳам турлича. Аммо қадриятларимиз аслида меҳр-оқибат кўзгусидир.

Шахло ИСМОИЛЖОН қизи.



«МЮ»ДА ЯНА БИР КУБОК

АҚШда ниҳоятга етган Халқаро чемпионлар кубоги финалида Луи ван Гал бошчилигидаги «Манчестер Юнайтед» жамоаси «Ливерпул»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, яна бир совринни клуб музейига олиб қўйишди.

Дастлаб ҳисобни пенальтидан Стивен Жеррард очган бўлса-да, Уэйн Руни, Хуан Мата «қизил иблислар»ни олдинга олиб чиқди.

Захирадан майдонга тушган Хессе Лингард эса ҳисобни 3:1 кўринишига олиб келди.

Шу тариқа Майами шаҳрида ўтган International Champions Cup мусобақасининг бош соврини «МЮ»га насиб этди.

КЕКСА ХОПКИНС ҚЎРҚМАЙДИ

Профессионал бокс тарихидаги энг ёши улуг жаҳон чемпиони, IBF ва WBA йўналишлари амалдаги чемпиони америкалик Бернард Хопкинс 3 август куни бўлиб ўтган россиялик чемпион Сергей Ковалев ва австралиялик Блэйк Капарелло ўртасидаги жангни кўриш учун аренага ташриф буюрди.

Эслатиб ўтамиз, Ковалев рақибини иккинчи раундда техник нокаутта



учратиб, олтин камарини яна бир карра ҳимоя қилган эди. Бернард ва Сергей жорий йилнинг ноябрь ойида рингда ўзаро увнонларни бирлаштириш жангини ўтказишлари керак.

«Мен Ковалевнинг ёрқин нокаут билан галаба қилишидан умид қилган эдим. Бундай вазиятда кўплаб мухлислар менинг ҳаётим ҳақида ташвишга тушиб қолишади. Чунки, 8 ноябрь куни мен юксак даражадаги спорт формасида бўлишим керак. Мен мутлақ жаҳон чемпиони бўлишни истайман», деди Бернард.

«8 ноябрь куни замонавий бокс тарихида зарҳал ҳарфлар билан бити қўйилади. Бугун эса WBC чемпиони Адонис Стивенсон енгилди. Менга қарши жангга розилик беришга унинг юраги дов бермади», дея сўзини якунлади Хопкинс.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

АДВОКАТГА ҚАНЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ?

Адвокат ёллаганда унинг хизмати учун қанча миқдорда ҳақ тўланади?

С.Каримов,
Хатирчи тумани

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига асосан:

«Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан овоз этилганда, жинойи ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.»

Оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромади энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахсларга адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш жойидан берилган охириги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, уни илова қилган ҳолда яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколатланган комиссия томонидан берилган хулосага асосан ҳақ тўлашдан овоз қилинади ва ҳаражатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

ВОЗ КЕЧИШ МУМКИНМИ?

Адвокат ҳимоядан воз кечиши мумкинми?

Ж. Мўминов

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасида белгиланишича: «Адвокат қайси шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш топширигини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош торттишга, агар уни бундан ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзи овоз этмаса, ҳақли эмас.»

Саволларга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Камолiddин СУЯРОВ жавоб берди.

НИКОҲ ҲАҚИҚИЙМИ?

Мутахассислардан бири тадбирда сохта никоҳга қирган кишининг қилмиши ҳақида гапириб қолди. Эр-хотин ўртасида сохта никоҳ қузатилганда уни бекор қилиш тартиблари борми?

Э. Санжаров.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 54-моддасига асосан:

«Эр-хотин сохта никоҳ қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли, эр (хотин) оила қуриш мақсадисиз никоҳга қирган ҳолларда эса, бундай талаб хотин (эр) томонидан ҳам қўйилиши мумкин.»


Савола Тошкент шаҳар Сергели туман ФХДё бўлими мудири Умида ЖАЛИЛОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом яшаш учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бопш муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором МАТКАРИМОВА
Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 836. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6302. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

12345